

ILM FAN YANGILIKLARI KONFERENSIYASI

30-СЕНТАВР

ANDIJON, 2024

АЁЛЛАР ТАДБИРКОРЛИГИ: МУВАФФАҚИЯТ ЙЎЛИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ВА ИМКОНИЯТЛАР

Шодиева Мадинабону Бобир кизи

Тошкент давлат юридик университети талабаси

Аннотация: Мазкур мақолада Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенати ва Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ўтказилган "Мен муваффақиятли тадбиркор аёлман" форуми ёритилади. Форумнинг асосий мақсади — аёллар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, уларга янги имкониятлар яратиш ва тадбиркорлик соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларни кенг тарғиб қилишдан иборат. Тадбир давомида муваффақиятли аёл тадбиркорлар ўз тажрибалари билан ўртоқлашди, шунингдек, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат дастурлари мухокама қилинди.

Калит сўзлар: аёллар тадбиркорлиги, муваффақиятли тадбиркор, форум, тадбиркорликни ривожлантириш, давлат дастурлари, иқтисодий имкониятлар

Аёллар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, ва бу соҳада ислоҳотларни кенг тарғиб этиш мақсадида пойтахтимизда Олий Мажлис Сенати ҳамда Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида "Мен муваффақиятли тадбиркор аёлман" тадбиркор аёллар форуми ўтказилди.

Мамлакатимизда аёллар тадбиркорлигини янги босқичга кўтариш ва бизнес вакилаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилган тадбирда Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Нарбаева, Савдо-саноат палатаси раиси Даврон Вахабов, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳамда ҳудудларда фаолият юритаётган 200 нафардан ортиқ етакчи тадбиркор аёллар иштирок этди. Тадбир аёлларнинг тадбиркорликдаги ютуқларини қўллаб-қувватлаш ва янги имкониятлар яратишга қаратилган.

Сенат Раиси Танзила Нарбаева тадбиркорликка энди қадам қўяётган аёлларни қўллаб-қувватлаш масалаларига тўхталар экан, уларнинг молиявий имкониятларини кенгайтириш, тадбиркорлик қўнималарини ошириш, юқори технологияли касбларга ўргатиш зарурлигини таъкидлади. Шунга кўра, аёлларни доимий ўқитиш, стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, ўзаро ҳамкорлик ва тажриба алмашиш учун мулоқот майдонлари яратиш ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликдаги лойиҳаларни кенгайтириш мухим эканини қайд этди.

Форум доирасида муваффақиятли тадбиркор аёллар ўз тажрибаларини ўртоқлашдилар. Ҳозирги кунда юртимизда ишбилиармон аёллар сони икки баробар ошиб, 200 мингдан ортиб кетган. Иқтисодиёт ва саноат тармоқларида аёллар улуши 46 фоизни ташкил этмоқда. Кичик бизнес субъектларининг 120 мингдан ортигини ва фермер хўжаликларининг 4 минг 550 дан зиёди аёллар томонидан бошқарилмоқда.

Президент Фармонига мувофиқ, жорий йилдан бошлаб аёлларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлигини ташкил этиш учун 100 млн доллар ажратилди. Келгуси икки йилда кичик ва ўрта бизнесда хотин-қизларнинг улушини 25 фоиздан 40 фоизга ошириш мақсад қилинган. Ҳозирги кунда жойларда хотин-қизларни тадбиркорликка ўқитиш, қўнималарини шакллантириш ва кредит олишда амалий ёрдам кўрсатиш учун янги тизим жорий этилди.

Форумда, яқин ўтмишда хотин-қизлар тадбиркорликнинг айrim соҳаларида, хусусан хизматлар ва қисман тўқимачилик соҳаларида фаолият кўрсатган бўлса, бугунги кунда улар бизнеснинг ҳар бир ўйналишига шиддат билан кириб келишгани ва юқори натижаларга эришгани алоҳида қайд этилди. Тадбир давомида иштирокчилар бизнесда аёлларнинг иштирокини кенгайтириш юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдирилар.

ILM FAN YANGILIKLARI KONFERENSIYASI

30-SENTABR

ANDIJON, 2024

Хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқиш ва маҳаллий тадбиркор аёлларнинг халқаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича келишиб олинди. Форум якунида иштирокчиларнинг муҳим саналган йўналишлардаги аниқ таклифларини ўз ичига олган мурожаат қабул қилинди.

Зўравонлик ва тазиيқа учраётган аёлларга кўмак бериш, уларнинг жамиятдаги ролини ошириш ва бизнесдаги имкониятларини кенгайтириш хукуқшунослик, психология ва социология соҳаларида комплекс ёндашувни талаб этади. Бу соҳалардаги ишлар аёлларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш, психологик ёрдам кўрсатиш ва социологик тадқиқотларни амалга ошириш орқали, уларнинг имкониятларини кенгайтиришга ва жамиятдаги ролини оширишга йўналтирилган бўлиши зарур. Хукуқий ҳимоя, психологик ёрдам ва социологик тадқиқотлар аёлларнинг хукуқ ва имкониятларини мустаҳкамлашда муҳим роль йўнайди.

REFERENCES:

1. Аёлларга нисбатан тазиيқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш бўйича қўлланма - Сайдова Л., Умарова Ш., Абулхасан Д., Шотурсунова Н. - Аёлларга нисбатан тазииқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш бўйича қўлланма [Матн] : қўлланма / Л.А. Сайдова, Ш. Умарова.-Тошкент: Baktria press, 2021. - 26 б
2. <https://plus.rbc.ru/news/5dda0b867a8aa967dba741ba>
3. <https://www.newsfactory.su/ru/economy/330243-v-ssha-poyavilsya-spetsialnyj-bankdlya-zhenschin>
4. Women's Entrepreneurship Strategy SEA Public Statement. URL:
<https://www.ic.gc.ca/eic/site/sea-ees.nsf/eng/ey00049.html> (07.02.2022)
5. <https://immigrant.today/canada/14416-novye-vozmozhnosti-dlja-zhenshhinpredprinimatelej-v-kanade.htm>
6. Impact to-date: BDC Capital's Women in Technology Venture Fund invests in 25 companies. URL: <https://www.bdc.ca/en/about/mediaroom/news-releases/bdc-capitalwomen-technology-venture-fund-invests-in-25-companies>
7. <https://www.goodnewsfinland.com/ru/opinion/o-zhenshhinah-predprinimateyah/>
8. <https://www.norway.no/ru/russia/norway-russia/news-events2/murmansk/news/-----/>
9. <https://asaf-today.ru/s032150750000696-7-1/>
10. <https://www.samdu.uz/cy/news/38497>
11. <https://yuz.uz/news/mustahkam-oila-faol-xotin-qizlar-jamiyat-farovonligini-belgilaydi>
12. <https://xabar.uz/post/ayollarning-jamiyatdagi-rolini-kuchaytirish-boyicha>